

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

2-СОН

ФЕВРАЛЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-2>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ИСРОИЛОВА Муҳаббат Рустамжон қизи

Фан ва технологиялар университети

“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7634210>

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ЭКСПОРТИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу тезисда Ўзбекистон олий таълим тизимини такомиллаштиришда таълим хизматлари ва уларнинг экспортининг роли кўрсатиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда таълим хизматлари экспортининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, уни истиқболда ривожлантириш бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

АННОТАЦИЯ

В этом тезисе совершенствование системы высшего образования в Узбекистане увеличило объем образовательных услуг и образования. Также проанализировано современное состояние сферы образовательных услуг в нашей стране, сделаны выводы, предложения и рекомендации по ее дальнейшему развитию.

ANNOTATION

In this thesis, the improvement of the system of higher education in Uzbekistan has increased the volume of educational services and education. The current state of the sphere of educational services in our country is also analyzed, conclusions, suggestions and recommendations for its further development are made.

Ўзбекистон олий таълим тизимини экспортини кучайтириш алоҳида долзарблик касб этади. Таълим хизматлари экспорти – таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатимиз учун рақобатбардош иқтисодчи мутахассислар тайёрлашда асосий омиллардан биридир. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини кўрсатаётганини жаҳон зиёлилари томонидан эътироф этилгани, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича Ўзбекистон дунёнинг етакчи мамлакатлари орасида эканлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда етиштирилаётган кадрлар таълим сифатининг аҳамияти, долзарблиги ҳақида биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз” [1], - дея таъкидлаган эди. Республика олий таълимини дунё андозалари даражасига олиб чиқиш таълим тизими олдидаги мажбуриятга айланмоғи зарур.

Олий таълимни такомиллаштириш қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- хорижий ҳамкор олий ўқув юртларига талабаларни юбориш;
- мамлакат ОТМ дарс жараёнига чет эллик профессор-ўқитувчиларни таклиф этиш;
- халқаро алмашув дастурлари бўйича илмий тадқиқот ишларида иштирок этиш;
- чет эллик талабаларни шартнома асосида ўқишга жалб этиш ва бошқалар.

Олий таълимни ривожлантиришда таълим хизмати экспортини такомиллаштириш ва қўллаб-қуватлаш алоҳида аҳамият касб этади. Аксарият ривожланган мамлакатларда таълим хизмати экспорти, бу – ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш омили ҳисобланади. Сўнгги йилларда жаҳон ОТМлари ўртасида талабалар айирбошлаш миқдори кескин равишда ўсаётгани кузатилмоқда.

Жаҳондаги таълим хизматлари экспортида энг юқори кўрсаткич Европа қитъаси таълим тизимига тегишли. Ривожланган мамлакатларда таълим хизматлари экспорти чет эллик ўқиш муддати давомида таълим учун тўлов ва бошқа харажатлар эвазига миллиардлаб даромад келтирмоқда. Таълим хизмати экспорти янги, юқори маошли иш ўринларини яратади ва давлат даромадини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08 октябрь 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5847-сонли Фармонининг олтинчи ва тўққизинчи бандлари ижросини таъминлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, улар жумласига:

- олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари экспорти ва қўшимча хизматлар кўрсатишга доир фаолиятини ривожлантириш;

- республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- таълим тўлиқ хорижий тилларда олиб бориладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, факультетлар салмоғини ошириб бориш;

- хорижий фуқароларни олий таълим муассасаси томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган суҳбат асосида магистратура ва докторантурага қабул қилиш бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

- таълим хизматлари экспортини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар билан таълим соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш;

- олий таълим муассасалари ўртасида халқаро фан олимпиадаларини ташкил этиш;

- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорликда ўтказиладиган илмий конференциялар ва семинарлар сонини кўпайтириш, халқаро илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш;

- ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда халқаро қўшма илмий журналлар, шунингдек таълим форумлари, ректорлар конференциялари ва бошқа анжуманлар ташкил этиш каби вазифалар белгиланган. Айни дамда уларнинг ижросини таъминлашга киришилган.

Мисол тариқасида биргина Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети миқёсида кўрадиган бўлсак, 2021 йилда хорижий ўқитувчилар сони 305 тани; хорижий талабалар сони эса бакалавриат йўналишларида 104 тани, магистратура мутахассисликларида 21 тани, докторантурада 41 тани ташкил этмоқда. Хорижий ОТМлар билан академик алмашув дастурлари доирасида бакалавриат йўналишларида 48 тани, магистратура мутахассисликларида 9 тани, докторантурада 3 тани ташкил этмоқди.

Хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро конференциялар, семинарлар, илмий ёки ўқув лойиҳаларда талабалар ва ўқитувчилар иштирок этишида университетдаги профессор-ўқитувчилар сони 164 нафарни, талабалар (бакалавриат ва магистратура) сони 94 тани, доктарантурада 25 тани ташкил қилди. 2021 йилда дунёнинг нуфузли 1000 талигига кирувчи олий таълим муассасаларида ўқув машғулотлар (маърузалар, амалий машғулотлар, семинар-тренинглар) ўтказган профессор-ўқитувчилар 86 нафарни ташкил этди [2].

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, охириги беш йилликда таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми йилдан йилга ортиб борганини кўришимиз мумкин. 2022 йилда бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан қарийб 4,5 баробарга ўсганини таҳлил қилишимиз мумкин.

I жадвал [3].

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд.сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Хизматлар – жами	78 530,4	97 050,0	118 811,0	150 889,8	193 697,8	219 978,5	284 388,1	357 554,5
таълим соҳасидаги хизматлар	2 681,4	3 263,0	4 402,0	5 416,5	7 164,9	8 539,4	12102,6	15395,7

Шу ўринда Ўзбекистонда таълим хизматлари экспорти бўйича олинadиган даромад ҳар йили 2 миллион доллардан ортиқ бўлиши мамлакатимизда ривожланишдан далолат беради. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда олий таълимни такомиллаштириш бўйича бир қатор дадил қадамлар қўйилди.

Дарҳақиқат, дастлаб халқаро муносабатларни ривожлантириш – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига эришиш механизми сифатида белгиланди. Ўзбекистонда олий таълимни байналмилаллаштириш мақсадида:

- самарали халқаро муносабатлар ўрнатилмоқда,
- хорижий олий ўқув юртлари филиаллари очилмоқда,
- Ўзбекистон ва хорижий академик алмашув ва тадқиқот олиб бориш дастурлари амал қилмоқда,
- чет эллик талабаларга Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълим берилмоқда,
- хорижий профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон олий таълим муассасаларига таклиф этилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қайд қилишича, бугунги кунда Ўзбекистонда 159 та, шу жумладан, Тошкент шаҳрида 72 та, ҳудудларда 87 та олий таълим муассасаси мавжуд. Шундан университет 28 та, институт 47 та, академия 3 та, консерватория 1 та, филиал 26 та, хорижий ОТМ ва унинг филиаллари 30 та, нодавлат ОТМ 24 та [4].

Хорижий олий таълим муассасалари билан академик алмашинув ва тадқиқот олиб бориш дастурлари бўйича халқаро ҳамкорлик олий таълимни байналмилаллаштириш муваффақияти ҳисобланади. Бу борада Темпус, Эразмус Мундус, Германия академик алмашинув хизмати (DAAD), Британия консуллиги, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва бошқалар билан арзигулик ишлар амалга ошириляпти.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, таълим тили чет эллик талабаларнинг таълим олиш мамлакатини танлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунга асосан Ўзбекистон олий таълим муассасаларида:

- инглиз тилини ўқиш жараёнига кенг жорий этиш;
- таълим сифатини ошириш;

- рейтинг кўрсаткичларини ошириш;
- “энг нуфузли олий таълим муассасаси” мақомини шакллантиришмақсадга мувофикдир.

Юқоридаги тадбирлар асосида чет эллик талабаларга ва илмий тадқиқот марказларига Ўзбекистон олий таълим муассасаларини танлаш, шунингдек географик ҳудуд, мамлакат ва хатто халқаро даражадаги муайян олий таълим муассасалари мавқеини белгилаш имконини беради.

Бундан ташқари, Ўзбек ёшларининг олий таълим билан қамров даражаси 3 баробарга (2016 йилда 9 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилда 28 фоиз) ошди. Таълим хизматлари бозорида хорижий ва нодавлат таълим хизматлари вакилларининг иштироки кенгайди. ОТМлар сони 2,2 маротаба (2016 йилда 64 та – 2021 йилда 141 та), нодавлат ОТМлар сони 7,2 маротаба (2016 йилда 4 та – 2023 йилда 72 та) ошди [6].

Халқаро тажриба асосида хорижий таълимни тан олиш жараёнлари содалаштирилди. Нострификация амалиётидан воз кечилиб, “тан олиш” амалиёти жорий этилди. Хорижий олий таълим квалификацияларини тан олиш муддати 30 кундан 10 кунга қисқартирилди. Жараён рақамлаштирилиб, давлат хизматлари орқали амалга ошириш йўлга қўйилди. Таълим сифати халқаро даражада эътироф этилган 8000 дан зиёд хорижий олий таълим муассасаларининг дипломларини тўғридан тўғри тан олиш жорий этилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эга бўлган мамлакатимиз олий таълим соҳасида салмоқли ютуқларга эришар экан, таълим хизматлари экспорти юқори сифатли таълим олишни истаган чет эллик талабаларга кенг имконият яратади ва ўз ўрнида мамлакатимиз иқтисодиётида даромадли соҳага айланади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08 октябрь 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5847-сонли Фармони

2. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн етти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маъруза // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

3. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 2021 йилги рейтинг кўрсаткичлари

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

<https://lex.uz> сайти маълумотлари.

5. <http://www.edu.uz>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**